Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

23

1993 йил 5—11 июнь (116)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ, БОЛАЛИ ОИЛАЛАР ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат ҳақини ошириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бошқа минтақаларга нисбатан арзонроқ нархдаги моллар ва буюмлар анча миқдорда чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 7500 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 7500 сўм миқдорида;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 8125 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турлардаги пенсияларнинг миқдори 2,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 2,5 баравар кўпайтирилсин, талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Болали оилаларнинг ижтимоий нафақалари 2 баравар оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, пенсиялар, стипендиялар ва итимоий нафақаларни оширишга мазкур Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

5. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳам да Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассалар ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Қўшимча қийматга белгиланган солиқнинг 5 фоизи корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдирилиб, улар меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтиришга сарфлансин.

7. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш, даромад манбалари чекланган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, тижорат банклари корхоналарни, ташкилотлар ва муассасаларни йиллик 3 фоиздан ошмайдиган тўлов шарти билан 45 кун муддат ичида зарур кредит маблағлар билан таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республика корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

9. 1993 йилнинг ҳосилидан бошлаб пахтанинг амалдаги харид нархлари — 4,3 баравар, чорва ва сутнинг, шунингдек, давлат буюртмаси ҳисобига сотиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари айрим турларининг амалдаги харид нархлари эса ўрта ҳисобда — 2 баравар оширилсин.

1993 йил ҳосилидан бошлаб шоли, помидор, карам, сабзи ва олмага эркин шартномавий нархлар белгилансин.

10. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб қатъи белгилаб қўйилган ёки тартибга солиб туриладиган нархлар билан аҳолига сотиладиган озиқ-овқат ҳамда ашёвий молларнинг чекланган чакана нархлари ва кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари ўрта ҳисобда 2 баравар оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мобайнида мазкур Фармоннинг белгиланган муддатларда рўёбга чиқарилишини таъминловчи тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил, 28 май.

КЎЗАДАН СУВ ИЧГАНМИСИЗ?

Ўзингизга маълум, Сурхондарё вилояти республикамизнинг энг серқуёш, жанубий воҳаси. Ёзда баъзан ҳароратнинг 50 градусгача бориб етиши ҳам сир эмас. Шу боис, неча юзлаб йиллардан буён одамлар ёзда сувни кўзада сақлайдилар. Кўзада сақланган сув ўзининг муздайлиги, чанқоқбосдилиги билан ажралиб туради.

Шерободлик кулол Камол Тўхтаевни сурхон воҳасида танимаган одам йўқ десак, лоф бўлмас. Уни бойсун тоғларида сурувини кенг яйловга ёйиб қўйган чўпон ҳам, шеробод чўлларида ғўзаларни суғараётган сувчи ҳам, қурилишда ишлаётган ишчи бирдек билади ва севади. Ёзда эса Камол ака ясаган кўза уларнинг ажралмас ҳамроҳидир.

Қамол ака кўза билан бирга тандир ҳам ясайди. Қамол ака уйида меҳнат қилади. У бутун оиласи билан ойига 150—200 кўза, 10—12 тандир ясайди. Ҳали Камол акага ўхшаган кулолларимиз бор экан, иссиқ тандир нони билан муздайгина кўза сувини кўп ичамиз.

Суратда: Камол Тўхтаев ўғли Ўткир билан кўза тайёрламоқда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) сурати.

Хабарлар маҳзи

● КУНДАЛИК республика газеталарида «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Давлат уй-жой фондини ҳусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўлиқматни эълон қилинган.

● ЎЗБЕКИСТОН Фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон берди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармонига кўра Носиржон Норович Ёқубов Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

● ЎЗБЕКИСТОН ва Жанубий Корея Республикалари ўртасида ўрнатилган иқтисодий ҳамкорликка биноан ДЭУ фирмасида ишлаб чиқарилган автобуслар «Қашқадарёавтотранс» бирлашмаси ихтиёрига берилди. Эллик йўловчига мўлжалланган автобусларга кучли, кам ёнилғи сарф қиладиган двигателлар ўрнатилган.

● СУРХОНДАРЁ вилояти пиллакорлари давлатга 1180 тонна; Бухоро вилояти миришкорлари эса 32 83 тонна сифатли ҳомашё топшириб йиллик режани бажардилар.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

ЖИЗЗАХ вилояти журналистлари бозор иқтисоди шароитига ўтиш даврида, нарх-наво соат сайин ўзгариб турган, иқтисодий қийинчилик кучайган даврда ҳам ўз касбларига меҳр қўйиб вилоят олдида турган вазифаларни меҳнаткашлар билан биргаликда ҳал қилиш, қийинчиликларни бартараф этиш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар. Яқинда вилоят ҳокимлиги журналистларнинг машаккатли ва шу билан бирга ҳайрли меҳнатларини инобатга олиб ҳамда уларни иқтисодий ҳимоялаш мақсадида район журналистларини район ҳудудида, вилоят журналистларини вилоят миқёсида жамоат автобусларида бепул юришни учун фармойиш чиқарди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Яқинда Ангрендаги 72-юк ташиш корхонасида бўлганимизда раҳбарлар, муҳандис-тихник ходимлар, ҳайдовчилар билан мулокот қилганимизда ажиб ишларнинг гувоҳи бўлдик ва мазкур сатрларда ҳикоя қилишга ихтиёр этдик.

ЭРТАНГИ КУН РУҲИ БИЛАН

— Меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси қандай бўлаяпти?!

— Ҳар қалай ёмон эмас,— саволимизга жавобан дейди корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мамажон Ҳошимов,— шароит оғир лекин қаловини топишга ҳаракат қилаяпмиз. Ижтимоий ҳимояни ишловчиларнинг ҳар бири сезаяпти дейишга ҳақли бўлсам керак. Куни кеча тушлик овқат пулини бироз ошириб 150 сўм қилиб белгиладик. Уринаяпмиз.

— Маъмурият касаба уюшмаси билан ҳамкорликда бу масалага катта эътибор бермоқда,— деб қўшимча қилади автокорхона директори Аноркул Собитов,— ҳаёт шуни кўрсатдики, биргаликдаги, бамаслаҳат, аҳиллик билан фаолият кўрсатсакгина иш юришади, самара бўлади, топган-тутганимиз яхшиликка ярайди. Очиғини айтганда аҳвол анча мушкул. Илгарилари буюртма шунча кўп бўлардики, хизматга ярайдиган бирорта машина паркда қолмас эди. Эндичи, буюртмачи топа олмай бошимиз гаранг. Ҳатто нисбатан моддий шароити ҳали ҳам яхши бўлган шаҳар савдо ташкилоти жуда тиқилинч бўлиб баъзан-баъзан мурожаат этмаса машина олмай қўйди. Икки-уч йил олдин ҳар куни 14—15 та машина бермасак жанжал қилиб юқорига чиқишарди. Энди ўзларидаги бор машина билан бир амаллашаяпти. Моддий шароит шунга мажбур этаяпти.

Шундай шароитда қийин аҳволдан чиқиш, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси ҳақида раҳбарлар, касаба уюшмаси аъзолари билан мулоқотлар қилдик. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур корхонада бозор иқтисодиёти шароитида бу борада ўрганса арзийдиган, эътиборга лойиқ тажрибаларга эришилаяпти.

Бир қисм машиналар буюртма йўқлигидан, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли ишга чиқа олмаяпти. Иш ҳажми шунча қисқарса-да, лекин ишчи-хизматчи ўзига мос иш топиб, бўшайман деб ўз розилигича ариза бермаса, шу вақтгача бирон киши штат қисқариши деб ишдан бўшатилмади. Техника ихлосмандлари ташаббуси билан корхона ҳузурида эски эҳтиёт қисмларни тиклайдиган бўлинмалар очилди ва у ерга бир гуруҳ одам жалб этилди.

Кўмир разрези юқорисидан ҳозирча 3 гектар ер ажратиб олиниб, у ерни ишчи-хизматчилар дам олиш ҳудудига айлантириш бошланди. Олма, ноқ, урик, ёнғоқ, гилос ва бошқа хил мевали дарахтлар кўчатлари экилиб боғ ташкил этилди. Ёрдамчи хўжалик йўлга қўйилаяпти. Электр тармоғи келтирилди. Икки-уч йилдан сўнг мевалар ҳосилга кириб истеъмолдан ортиқчаси четга ҳам сотилади. Қурилиш ишлари режалаштирилмоқда. Бундан мақсад шуки, узоққа бориб дам олиш имкониятлари чекланиб бормоқда, бинолар битгач ишчи-хизматчилар оилалари билан тоғ ҳудудидаги манзарали, гўзал, тоза ҳаволи жойда мазза қилиб меҳнат таътилларини ўтказишлари мумкин. Дам олиш ҳудуди ёнида разрезда ишловчи улкан БелАЗ машиналари учун тўхтам жой ҳам қилинмоқда. Чунки автокорхона билан разрез ораси 10 километр келади. Машиналар ҳар куни у ёққа ўн, бу ёққа ўн километр юрмай бензинни тежайдилар.

Машина керак бўлмай хизматга чиқа олмаган ҳайдовчилар, боғ, бино бунёдкорлигида ишлашга ихтиёр билдирганлар шу ердаги ишларга жалб этилмоқда.

Биз шу куни автокорхонада меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитлар, қулайликлар билан ҳам танишдик.

— Ўша арзончилик йилларида спорт-жисмоний тарбия мажмуаси қурилган эди,— деб тушунтиради Мамажон Ҳошимов,— қанчалик қийин, қиммат бўлмасин жамоа аҳлининг улардан тўла фойдаланишларини таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Спорт-жисмоний тарбия бўлинмасига бокс бўйича собиқ СССР чемпиони Зоир Абдуқодиров раҳбарлик қилади. Ҳар куни соат бешдан кейин бу ер ёшлар билан гавжум бўлади. Кўпчилик жисмоний тарбия билан фаол шуғулланаётганлиги учун касаллик варақаси бизда кам тушади.

Автокорхонадаги моддий ижтимоий ҳимоя ишлари бизда яна ҳам қизиқиш орттирди. Бу борада жамоада бозор иқтисодиёти сиёсатига ўзига хос жавоб, ишбилармонлик, эртанги кунни кўра билиш, инсонга ғамхўрлик белгиларини сездик.

Бу ерда кўп болали оилаларга ҳар йили бир марта энг кам миқдордаги маош ҳажмида пул бериш анъанага айланиб қолган. Уч ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналарга ҳар ой олаётган нафақасидан ташқари яна қўшимча бир ярим минг сўмдан пул бериб борилади. Ёш боласи бўлган оналар тўла иш ҳаки сақлангани ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилган.

Жаҳон касаба уюшмалари илғор тажрибаларини, замонавий усулларни қўллаш ҳаёт тақозосига айланиб бормоқда. Нархлар шафқатсиз суратда кўтарилиб бормоқда, товарлар тақчиллиги кунданкунга сезилмоқда, бозор иқтисодиёти сўқмоқ йўллардан давом этмоқда. Бугун пенсияга чиққан кишининг эртанги моддий ҳаёти қандай бўлади, ҳор-зор бўлмайдими?! Шулар ҳақида ўйлаш, эртанги кун руҳи билан яшаш касаба уюшмаларининг вазифасидир. Мазкур корхонада бу борада мўъжаз тажриба бор. Давлат суғуртасига кирмайдиган ҳолда ташкилот ҳар бир ишловчи ҳисобига кассага 200 сўмдан пул ўтказади. Ишловчига таклиф киритилади, ўзи ҳам маошидан шунча пул ўтказилишига рози бўлсин. Ҳамма уни қўллаб-қувватлаган. Ҳар ой 400 сўмдан пул ишчи-хизматчининг кассадаги ҳисобига тушаверади ва давлат йўлидан маълум фоиз қўшилиб борилаверади. Ишловчи пенсияга чиққач ҳоҳласа бир йўла олади, ҳоҳласа кассага, ўз шахсий ҳисобига ўтказади. Кунига яратади. Пенсияга чиқаётганда яна корхонадаги меҳнат стажига қараб бир йўла нафақа берилади. Масалан, 15 йил ва ундан кўп ишлаганлар бу йил 20 минг сўмдан кўп олдилар.

Автокорхона «Чоткол — Умид» суғурта компаниясига бу йил ишчи-хизматчилар учун 1 миллион 375 минг сўм ўтказди. Албатта бу пулни ўтказишдан олдин, ўтган йил касаллик туфайли қанча одам ишга чиқмаган, қанча иш куни йўқотилган, касаллик варақалари учун йил давомида қанча пул тўланган ҳамма-ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинди. Юқоридаги сўм ҳисобидан ҳар бир ишловчи учун тенг миқдорда пул ўтказилган бўлиб, ким кўп кун ишга чиқиб, кам кун касал бўлган бўлса ортиб қолган пулни йил охирида нақд қайтариб олади.

Корхонада меҳнаткашларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялашнинг илғор тажрибалари билан танишар эканмиз ўзаро аҳиллик бўлса, изланилса, ижодкорлик бўлса унча-мунча қийин шароитда ҳам бор имкониятлардан фойдаланиб дурустгина яшаш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Будир ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

ҚОНУНЧИЛИККА БАҒИШЛАНДИ

ФАРҒОНА вилоятининг Қувасой шаҳрида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда қишлоқ Кенгашлари раисларининг вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қонунчиликка бағишланган ушбу учрашувда сўзга чиққан ҳуқуқшунослар мустақил Республикамизнинг янги қабул қилинган Конституциясини шарҳлаб фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, мулкчилик қонунлари ҳақида тушунтириш бердилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимининг катта йўриқчиси, милиция майори А. Ганиев вилоятда сўнгги вақтларда ўсмирлар ўртасида содир этилган жиноятлар, қўлга олинган уюшган жиноятчи гуруҳлар, рэкетчилар ҳақида, жиноятчиликнинг олдини олиш хусусида батафсил сўзлаб берди.

«Ишонч» мухбири.

ЯНА БИР САНАТОРИЙ

ХОРАЗМ вилоятида 8 та санаторий ишлайди. Яқинда уларнинг сони яна биттага ортди. Хива районидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигининг ҳушманзара жойида Хива пахта тозалаш заводининг санаторийси ишга туширилди. 100 ўринли оромгоҳ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Санаторий ҳудудида шифобахш сув ҳам топилди. Бугун-эрта санаторий дастлабки дам олувчиларни қабул қилади.

«Ишонч» мухбири.

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг бўлиб ўтган мажлисида шу кунинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Андижон вилоятида халқ таълими муассасалари маъмуриятлари билан тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида 1993 йил учун тузилган битимларнинг бажарилишининг аҳволи ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Х. Неъматов билан вилоят касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. З. Насриддиноваларнинг ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди. Ҳозирда вилоятда 1267 халқ таълими муассасалари, 11 олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, 20 та шаҳар ва туман тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари мавжуд бўлиб, улар ўз атрофига 73 мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганлар. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан тузилган битимларда асосан меҳнат шароити ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчи ёшларни, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг саломатлигини яхшилаш, мактаб ва ўқув юртларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш, иш ва рағбатлантириш ҳақларини, стипендияларни ўз вақтида тўлаб бориш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Битимларни бажарилиш жараёни вилоят, шаҳар, туман касаба уюшмаси қўмиталари ва вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари раёсати, хайъат ва кенгашларида мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда. Вилоятда тармоқ ходимлари учун бир қатор имтиёзлар берилган. Вилоят шаҳарларида яшовчи педагог ходимлар шаҳар транспортидан бепул фойдаланмоқдалар. Ҳозиргача 5 минг киши ўзлари яшаётган давлат ва корхонага қарашли уйларни хусусийлаштириб олдилар, 4,5 минг киши якка тартибда уй-жой қуриш учун ер билан таъминландилар, 600 кишига давлат томонидан қарз берилди, 66 ўқитувчи эса давлатга қарашли уйга эга бўлдилар. Қиска давр ичида Андижон университети ўз ходимлари учун 8 та коттеж ва 45 оилага мўлжалланган уй қуриб фойдаланишга топширди.

Вилоятда соғломлаштириш ва дам олиш масаласига катта эътибор берилаяпти. Мана таътил мавсуми ҳам бошланди. Бу йил 4,5 минг кишига санаторий-профилакторийларга йўлланма бериш мўлжалланаяпти. Шу мақсадга 10 миллион сўм маблағ ажратилган. Вилоят, шаҳар, туман ва ўқув юртлари касаба уюшма қўмиталарининг санаторий ва дам олиш уйлари билан тўғридан тўғри тузган шартномалари туфайли ҳар йили 1,5 мингдан ортиқ педагоглар ўз саломатликларини тикломоқдалар. Жумладан Қўрғонтепа тумони касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тўғридан тўғри шартнома асосида режадан ортиқ 60 ходимни «Андижон» ва «Хўжаобод» санаторийсига йўлланма билан таъминлашга эришди. Мана шу тарзда Бўз ва Марҳамат туманларида соғломлаштириш масалалари ўз ечимини топмоқда.

Тармоқ ходимларининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга, моддий рағбатлантириш ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга 790 минг сўм ажратилган. Мукофот фондлари ташкил этилмоқда.

Битимлар ижросида бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Касаба уюшмаси қўмиталарининг иш режаларида битимга киритилган мажбуриятларни бажарилиш аҳволи, маъмуриятнинг бу борада олиб борадиган ишлари кўрсатилмаган. Айрим битимлардаги ўқувчи ва талабаларни, пенсионерларни ва аёлларни ижтимоий ҳимоялаш кафолатлари бажарилмаяпти. Вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларида зарарли меҳнат шароитида ишловчи ошпазлар, кир ювувчилар, хоналарни тозаловчилар, ўткир хидли кимёвий моддалар билан ишловчи ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақ тўловлари ҳанузгача ҳал этилмаяпти.

Авария ҳолатидаги мактаблар камаймаяпти. Ҳозир вилоятда 89 та ана шундай мактаб бор. Кўпгина мактаблар қиш ойларида яхши иситилмайди. Халқ таълими иншоотлари қурилиши сусайиб кетди. Битим имзолаш даврида маблағ имкониятлари тўла ҳисобга олинмаганлиги туфайли маблағ билан боғлиқ масалалар қоғозда қолиб кетмоқда.

Андижон вилоятида апрель, май ойида рўй берган сел оқибатида бир қатор мактаблар, ўқитувчиларнинг уйлари жиддий зарарланди. Уларни тиклаш учун вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари бирлашмаси билан бир қаторда тармоқ вилоят қўмитаси 173 минг сўм ажратди.

Раёсат мажлиси кўрилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Мажлисда Бухоро вилояти ўқув юртларида меҳнат шароитини яратиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи тўғрисидаги, тармоқ касаба уюшмаси Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳамда уни қайта рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул этилди.

Мажлис қатнашчиларининг асосий эътибори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг органи «Ишонч» газетасига моддий ёрдам кўрсатиш бўйича Федерация кенгашининг касаба уюшмалари вилоят кенгашларига, тармоқ касаба уюшмалари Марказий ва республика қўмиталарига мурожаатномасининг муҳокамасига қаратилди.

Тармоқ Марказий Қўмитасининг раиси Е. З. Файзуллаев мажлис аҳлини мурожаат билан таништирар экан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қоғоз нархи, босмахона ва алоқа хизматларининг тинмай ортиб бораётганлиги оқибатида газетани мунтазам чиқариб бориш қийинлашаётганини уқтириб, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Марказий Қўмита раиси муовини А. Ш. Султонов вилоятларда, Қорақалпоғистон республикасида «Очиқ хатлар куни»ни ўтказиш бўйича тўпланган тажрибалар ҳақида гапириб, бу тадбирни «Ишонч» ўз саҳифаларида «Ошкора мулоқот» сарлавҳаси остида кенг ёритиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади. Газета тармоқ ходимларидан тушаётган саволлар ҳамда уларга қайтарилаётган жавобларга кенг ўрин бераётганлиги Марказий Қўмитага келаётган ариза ва шиқоятларнинг камайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам «Ишонч»ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳаётий заруратдир. Мажлис бу ҳақда ҳам қарор қабул қилди.

«Ишонч» мухбири.

ЭЛГА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йилнинг 1-июнидан меҳнат ҳақи, нафақа, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини ошириш ҳамда республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги фармонининг кучга кириши муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Б. Х. Умрзоқовга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Баҳодир Ҳамидович, кейинги бир ярим йил давомида аҳолини шу жумладан нафақа олувчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан 8 та фармон эълон қилинди ва амалга оширилди. Сўнггиси шу йилнинг 28 майида чиқарилиб, 1-июндан кучга кирганини қандай баҳолайсиз?

— Бу фармонни ўз вақтида чиқарилган ва ҳаётга тадбиқ этилган дастур деб биламан. Чунки республикамизнинг истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кечиктириб бўлмайди. Қўшни мамлакатлардаги аҳолининг турмуш тарзи ҳамда нарх-навонинг баландлиги бизга салбий таъсир ўтказаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Президентимизнинг бу фармони вазиятдан келиб чиқиб тайёрланган ижтимоий ҳимоя қуролидир.

— Иш ҳақи, нафақа, стипендиялар миқдорлари билан қатъий белгилаб қўйилган ёки тартибга солиб туриладиган нархлар билан аҳолига сотиладиган озиқ-овқат ҳамда ашёвий молларнинг чекланган чакана нархлари ва кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари айнан оширилгани халқни бирмунча қийин аҳволга солиб қўймасмикин, ҳали июнь ойи учун янги тартибда маош олганимиз йўқ ку?

— Тушундим. Аввалги фармонларда иш ҳақи, нафақа, стипендиялар 15—20 кун аввал, кейин озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар нархлари, хизмат таърифлари ошириларди, одамлар оширилган маблағ қўлга тушгандан сўнг нарх-наво кўтарилишини кутиб оларди, демоқчисиз. Бироқ, чора-тадбирлар кўришни кечиктириб бўлмас эди. Иккинчидан халқимизнинг яшаш учун маблағ захираси бир-икки ойга эмас, балки бир неча ойларга, ҳатто йилларга етарлидир. Аҳолининг айрим қатламларида пул ниҳоятда кўпки, ҳатто айрим нафақа олувчилар пулга муҳтож эмасликларини биламиз. Улар мен нафақага муҳтож эмасман, беряпкан экан, на чора, омонат дафтарчамга йиғаяпман, ҳисобини ҳам билмайман, дегувчилар ҳам бор. Тўғри, ҳамма ҳам бирдек эмас. Ночорлари, фақат нафақа ҳисобига кун кўрувчилар, почтальоннинг йўлига кўз тикиб турувчилар ҳам йўқ эмас. Ундайлар дарёдан томчи. Ўзбекистондаги 2,5 миллиондан ортиқ нафақа олувчининг 26 минги ана шундай тоифа кишилардир. Уларнинг ижтимоий ҳимояси тезкорлик билан таъминланади. Масалан, улар шу ойнинг нафақасини 2—3 июнь кунлари олишга муяссар бўлдилар. Вазирлигимиз идораларининг тезкор ишлаши туфайли нафақаларнинг асосий қисми ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида тарқатиб бўлинади.

— Унчалик эмасдиров, нафақани вақтида ололмай сарсон бўлаётганлар йўқ деб ўйлайсизми?

— Бўлса бордир, умуман ойнинг 18 нчи кунигача ҳамма нафақасини олиб бўлиши керак. У кундан кейинга қолса, демак, ўша жойдаги нафақа тарқатувчиларни ўз ишига совуққонлиги, инсон омилига беparволик оқибати деб биламан. Ўринли шаъма қилдингиз, ҳали ҳам ўз ишини хўжа кўрсинга бажарадиганлар, нафақа олувчиларни қийин аҳволга солиб қўядиганлар йўқ эмас. Аҳолига хизмат кўрсатадиган идораларда уларга ўрин бўлмаслиги керак.

— Ҳар бир фармондан сўнг нафақаларни қайтадан ҳисоблаш вазирлик учун, қолаверса унинг вилоятлар ва туманлардаги идоралари учун ортиқча юмуш бўлиши табиий.

— Тўғри. Ижтимоий таъминот ходимларининг сиз айтган ишни бажаришдан афзалроқ, қимматлироқ бошқа ишлари йўқ. Шунинг учун улар ишни пухта ташкил этишиб, дам олиш кунларисиз ҳисоблаш ишларини фармон чиққан кундан кейинги бир ҳафта ичида поёнига етказдилар.

— Нафақа таъминотида нафақа олувчиларнинг қайси табақаси ижтимоий жиҳатдан кўпроқ ҳимояланади?

— Тан олиш керак. Мустақил Ўзбекистонимизнинг нафақа таъминоти тўғрисида ҳали ўз қонуни йўқ. Собиқ СССРнинг нафақа тўғрисидаги қонунига амал қилиб келинмоқда. Ундаги табақаланишлар бизнинг турмуш тарзимиз, шароитимиз ва вазиятимизга унча мос эмас. Умуман бизда нафақа олувчиларнинг табақалари изчил ўрганилмаган. Ҳозирда республикамизнинг «Давлат нафақа таъминоти тизими» тўғрисидаги қонуни лойиҳаси тайёрланаяпти. Август ойида умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади. У Олий Кенгаш сессиясида тасдиқланиб қабул қилинса, ана ўша ҳужжатдан истаган саволга жавоб топиш мумкин. Лекин қонун дунёга келгунча қараб турмай эски дастурни ўзимизга мослашга ҳаракат қилаяпмиз. Биринчи галда уруш ногиронларига, ногиронларга, ижтимоий ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Нафақанинг энг оз миқдори 8125 сўм қилиб белгиланди. Республикамизда ҳамма тоифалар бўйича ўртача нафақа 11355 сўмни ташкил этади.

Уруш ногиронлари ўртача ҳисобда 20653 сўмдан 35750 сўмгача олишади, уларга ойига 50 литр бензин 50 фоиз арзонга олиш имтиёзи ҳам берилади. Уруш қатнашчиларига эса нафақа 16250 сўм қилиб белгиланди. Ногиронларнинг биринчи тоифасига ўрта ҳисобда 14625 сўм, иккинчи тоифасига 10562 сўм, учинчи тоифаси учун 4485 сўм бўлди. Ёши бўйича қарилик нафақаси 12062 сўм, болаликдан I ва II тоифа ногиронлар 8125 сўм олишлари мумкин. Янги фарзанд кўрган оилага бир йўла 15 минг сўм суюнчи пули бериладиган бўлди. Фармонга биноан болали оилаларнинг ижтимоий нафақалари 2 баравар оширилди. Илгари ёши бўйича болалари учун 60, 120, 165 сўм оладиганлар энди 120, 240, 330 сўм олишади. Бу бизнингча кам, албатта.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу миқдордаги нафақа болали оилаларга урвоқ ҳам бўлмайди. Бу ҳозирги амалдаги қонунга асосан шундай белгиланаяпти. Унда кўрсатилишича, беш болали аёл 55 ёшда нафақага чиқди, дейлик. Унга энг кам нафақа 8125 сўм белгиланса, энг кичик фарзанди 12 ёшда, қолган иккитаси ҳали 18 ёшга тўлмаган, иккитаси эса институтда ўқийдиган — 23 ёшга етмаган бўлса, ўша болаларининг ҳар бирига энг кам нафақанинг ярми миқдорида яъни 4063 сўмдан нафақа тўланади. Оиладаги нафақа пулининг жаъми 28440 сўмни ташкил этади.

Энди учта ёш боласи бўлган аёл энг кам маош-7500 сўм олиб ишласа, учта боласига ёши бўйича 120, 240, 330-жаъми 690 сўм нафақа олади. Жаъми даромад 8390 сўмни ташкил этади. Хўш, оила шу пул билан қандай тирикчилик ўтказади?

Мана шу юқоридаги тенгсизликни бараварлаштириш таклифини республикамизнинг янги қонуни лойиҳасига киритдик. Табақалаштиришдаги мана шунақа номосликка чек қўйиш лозим.

— Ўзбекистон Республикаси нафақа жамғармасининг фаолияти нимадан иборат? У ҳар бир ишчи-хизматчи маошидан ойига бир фоиздан ушлаб, жамлаб беришдан бошқа иши ҳам борми, деб сўрашибди бир гуруҳ газетхонлар.

— Ўринли савол. Нафақа таъминотида ана шу нафақа жамғармасининг фаолияти катта ўрин тутади. Жамғарма бизга нафақа олувчиларга тарқатиш учун йилнинг биринчи чорагида 24 миллиард сўм пул ўтказди, иккинчи чоракда 30 миллиард сўмга яқин, учинчисида 44 миллиард сўм маблағ билан таъминлайди. Жамғарма пулларни ҳар маошдан бир фоиздан йиғиш орқали жамлайди. Лекин жамғарма ҳозиргача ўз мақомига эга эмас. Ҳозирда нафақа жамғармасини назорат қиладиган идоранинг ўзи йўқ.

Шунинг учун жамғарма ҳисобига йиғилаётган бадаллар кўп корхона ва ташкилотлардан келиб тушмаяпти. Бу ўз навбатида белгиланган миқдордаги маблағ тўпланишини таъминламаяпти.

Шу боис кўп ҳолларда нафақа тарқатиш учун маблағ етишмаётир. Вазирлигимиз жамғармага маблағ тўпланиб бизга келгунича давлатдан қарз олиб нафақа пулларини тўлашга мажбур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг нафақа таъминоти тўғрисида тайёрланаётган янги қонун лойиҳасида республика нафақа жамғармасининг фаолиятига тегишли баҳо берилган. Жамғарма ҳар бир ишчи-хизматчининг ойлик маошидан бир фоиздан бадал сифатида олар экан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча ишчи-хизматчиларнинг ҳисоб варақалари очилиши керак. Йиллар давомида ҳисоб варақасидаги пул ортиб борғани сари жамғарма уни оборотга киритиб, янада бойитиши, кўпайтириши, бадал эгаси нафақага чиқса, унга ўша пулдан сарфланиши керак. Нафақа ёшига етиб ё етмай оламдан ўтиб кетса, унинг ҳисобига йиғилган маблағ бола-чақасига қайтарилиши шарт. Мана шу қоида Низомда битилса жамғарманинг фаолиятидан кўпчилик ҳабардор бўлади. Бу тадбир айни пайтда нафақа таъминоти соҳасида ҳам янгиликдир.

— Сиз яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлдингиз. У ерда ўз соҳаңгиз бўйича иш тизими билан қизиққан бўлсангиз керак?

— Албатта. У ерда нафақа олувчи меҳнат қилувчидан 2—3 баравар кун олишар экан. Сабаби нафақа жамғармаси кучли, ниҳоятда бой. Америкада ишга ярокли нафақа олувчи ва ногиронларнинг бирорргаси бекор эмас. Қўлидан келган иш билан банд. Бизда эса ҳатто нафақа ёшига етмаган, тоғни урса талқон қиладиган бекорчилар ҳам кўп. У ерда меҳнат, соғлиқ ва нафақа суғурталари яхши йўлга қўйилган. Нафақа олувчилар ва ногиронларнинг ҳуқуқини поймол этганларга жуда катта жарима солинаркан Америкада кўрган ва билганларим натижаси ўлароқ мен тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари ишини қайта ташкил этишга киришдим. Ногиронликни белгиловчи бу идоралар соғлиқни сақлаш вазирлигидан ижтимоий таъминот вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. ВТЭҚлар раислари аттестациясини, ўқувини ташкил этдик. Бу комиссиялардан ҳалол ишлашини талаб қилаяпмиз. Беморларнинг ногиронлигини ҳаспўшлашга уриниб, нотўғри хулоса чиқарган комиссия аъзоларини судга берилишини жорий этамиз. Бу ишдаги таъмагарчиликка чек қўйилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош Тожибой АЛИМОВ.

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎҚУВИ

● **БАХМАЛ районн ҳокимиятининг мажлислар залида Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги ўқуви (семинари) бўлди.** Унга Бахмал районн ҳудудидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг раислари, хўжалик, ташкилот ва корхоналарнинг бошлиқлари, ҳисобчилар, иқтисодчилар, район ижтимоий таъминот бўлими касаба уюшма қўмитаси ходимлари таклиф қилинган эди. Бундан ташқари вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг раислари иштирок этди.

Ўқувни касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси И. Х. Хушиев кириш сўзи билан очди. Семинар-кенгашда касаба уюшмалари вилоят кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири И. Ш. Боқаев «Ижтимоий суғурта фондидан бериладиган нафақалар» ҳамда санаторий ва профилакторийлар йўлланмаларига пул тўлашдаги сўнгги ўзгаришлар хусусида маъруза қилди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари А. Р. Ихтиёров касаба уюшмалари ва корхоналар ҳақидаги қонунлардаги ўзгаришлар ҳақида гапирди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

«Ишонч» мухбири.

СУҒУРТА ЖАМҒАРМАСИ

ТАШКИЛОТ, хўжалик ва муассасаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Наманган вилоят «Меҳнат муҳофазаси мутахассислари ва хайриҳоҳлари ассоциацияси» қошида «Меҳнат муҳофазаси жамғармаси» тузилди. Жамғарма ўз-ўзини қоплайдиган хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб фуқароларнинг меҳнат ҳамда шахсий манфаатларини давлат ва хўжалик-иқтисодий бошқарувларида ҳимоя қилишда, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлашда, меҳнатининг ақлий ва жисмоний сарфига яраша иш ҳақи тўланишида, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинишида кўмаклашади ҳамда ташкилотчилик ролини ўйнайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗИНГДА БЎЛГАНГА НЕ ЕТСИН!

ҲОЗИР кўп нарса камёб бўлиб қолди. Айниқса, парҳез таомбалиқ гўшти топиб тановвул қилиш оддий меҳнаткашлар учун ғоят мушкуллашди. Ана шу салбий ҳолатга барҳам бериш мақсадида Элликқалъа ҳокимлигининг ташаббуси билан район ҳудудидаги Аёзқалъа, Оқча кўллари базасида янги балиқчилик комбинати ташкил этилди. Умумий майдони 4116 гектарни ташкил этадиган кўл ва кўл ҳавзаларида мавжуд балиқ турлари кўпайтирилади, янги тур балиқлар урчитилади. Ҳеч шубҳасиз, яна бир-икки йилдан сўнг меҳнаткашларнинг дастурхонида балиқ сероб бўлиб қолади.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОТА-ОНАМ — ФАРИШТАМ

Инсон зоти ғалатида, билган сари билгиси, ўйлаган сари ўйлагиси келаверади. Масалан мен, ҳозирги ёшларимизнинг дунёқараши, муаммою ташвишлари ҳақида баҳслашган сари баҳслашгим келади. Мана, оддий саволлар:

1. Ота-онангизнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?
2. Уларнинг камчиликларини кўра оласизми?
3. Улардан қандай хулосалар чиқаргансиз?
деган саволларимизга турли ёшлардан турфа жавоблар олдик. Сиз ҳам тинглаб кўринг-а!

Раҳмон МИРЗАЕВ — Термиз давлат университети ўқитувчиси, 29 ёшда:

— Мен раҳматлик отамнинг мардлик ва камтарлик фазилатларини, онамнинг мурувватли, раҳмдил чеҳраларини унута олмайман. Кечагина мен ҳам талаба эдим. Биласиз, вилоятлардан пойтахтга келган талабалар баъзан иқтисодий, баъзан маънавий кўмакка зор бўлади. Гарчи ўзим талаба бўлсам ҳам кўп вақтларда ўртоқларимга, юртдошларимга мадад бера олганимдан ҳали ҳануз хурсанд бўлиб юраман. Ота-онамда камчиликнинг бирор бир унсурини кўра олган эмасман.

Назира НОРЖИГИТОВА — ТошДУ тарих факультети аспиранти:

— Оиламизнинг энг кенжа фарзандиман. Дадам ёшлигимда раҳматли бўлиб кетганлар. Ҳозир таниш-билишлар, оға-инилар, қўни-қўшнилар дадамни олдидан мушук кесиб ўтмас одам эдилар, деб эслашади. Онам 73 ёшда. Бир дунё невараю эварага буви бўлиб, ҳар биримизга ўзгача меҳр, эътибор кўрсата олишларига қойил қоламан.

М. С. — 22 ёшда:

— Бола ёшликдан жуда кузатувчан, қолаверса ота-онанинг ҳаракатларига тақлидчан бўлиб вояга етади. Шунинг учун айтса керакда «куш уясида кўрганини килади», деб. Мен ота-онангизнинг камчиликларини кўра олганмисиз, улардан қандай хулосалар чиқаргансиз, деган саволингиз билан танишиб, ўйланиб қолдим. Негадир бу савол болалигимни эслатди. Уйимизда етти бола эдик. Онам уй бекаси. Дадам уззу кун ишда бўлиб, кечқурун уйга маст ҳолда кириб келардилар. Кейин ярим тунгача онам билан ҳар нарсани баҳона қилиб уруш-жанжал бошланарди. Биз болалар эса қўрққанимиздан бурчак-бурчакларга тикилиб олардик. Бу жанжаллар эсимни таниб, оқ-қорани ажратадиган вақтимгача давом этиб келди.

Ҳалима Боймирзаева — 20 ёш. Фарғона вилояти, Ёзёвон райони:

— Аввало, камчиликсиз одамнинг ўзи йўқ. Энди ота-онанинг камчилигига келсак, ҳар бир фарзанд ҳам вояга ета борган сари яхши ёмонни фарқлай боради. Ўша пайтдан бошлаб инсоний фазилатларни ҳам илғаб олади. Бу илғаш кимгадир сабоқ бўлиб, яхши таъсир этса, яна кимларгадир акс таъсир кўрсатиши табиий.

Ж. С. — Жиззах шаҳридан, 20 ёш:

— Ота-онанинг фарзандларга кўрсатган хизматлари бебаҳо. Уларнинг камчиликларига келсак, ҳеч ким ҳам ўз ота-онасини ёмон дегиси келмайди. Лекин...

Масалан, менинг дадамнинг энг катта камчиликлари ёлғонни кўп гапиришлари. Шу билан болаларимни ишонтирдим, деб ўйлайдилар. Яна бир одатлари борким кўпинча бу одатлари оиламиз аъзоларини, ҳатто опамни ҳам анча азоблаб қўяди. Бирон масалада баҳс чиқиб қолса, ўзларини мутлоқ ҳақ ҳисоблаб, қолганларнинг фикрлари билан ҳисоблашмайдилар.

Ҳ. А. — Ж. С. нинг дугонаси:

— Баъзан ота-оналар ўзларида йўқ нарсаларни болаларидан талаб қилишларига ҳайрон қоламан. Онам рўзғор ишларига анча уқувсиз. Шунинг учун доимо бизни бичиш-тикишни, пишириш-қуйдиришни ўрганинглар, деб жон-ҳолимизга қўймайди. Қимдан ўрганайлик аҳир, кўчаданми?

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ — Хоразм, 13 ёш:

— Ота-онамни фаришта дейишдан ўзга сўз тополмайман!

Ҳурматли тенгдошларим, мана биз ота-оналар ҳақидаги баъзи бир ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини эълон қилдик. Сизларни ҳам баҳсга чорлаймиз.

Ёшлар билан САРОЙМУЛК суҳбатлашди.

БАҲСГА ЧОРЛАЙМИЗ

Ешим 18 да. Оилада битта қизман. 1992 йилда ўрта мактабни битирганман. Орзуим тарих ўқитувчиси бўлиш эди. Мактабни битиргунимча уйдагилар «ўқитамиз», деб келишди. Имтиҳонлардан ўтиб, ҳужжатларимни олганимдан сўнг, бирон кишидан садо чиқмади. Онам ёшлигимда «битта қизимни уй-жойимни сотиб бўлса ҳам ўқитаман» деган эканлар. Афсус, ўзлари 4-синфда ўқиётган йилим оғир хасталик билан оламдан ўтдилар. Онажонимнинг орзусини амалга оширмоқчи эдим. Отам эса эшитишни, тушунишни ҳам истамайди. Фарзанд ота-онага тик қараб гапирмайди, дейишади. Отам тушунмаса нима қилишим керак? Улар мендан бесўроқ куёвга беришди. Мен эса у йигитни ҳам, унинг оила аъзоларини ҳам ёшлигимдан ёқтирмасдим. Муқаддас ҳадисларда «Жувон ўз хоҳишини билдирмагунча эрга берилмайди, бокира қиздан изн сўралмагунча эрга чиқарилмайди», дейилган-ку, ахир?

Тенгдошларим, менинг мактубимга ҳайрон бўлаётгандирсизлар. Биз томонларда бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ҳозир эса бутун ҳаёт менга маъносиз, бешафқат бўлиб қолган. Сизлардан маслаҳат кутиб қоламан.

М. С.
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой райони.

ОҲ, ЯНГАЖОН, ЯНГАЖОН...

ЖАҲОНГИР акам жуда ажойиб йигит, ичмайди, чекмайди, шалоқ сўзламайди, бесамар юрмайди, жўрабоз эмас. Индамай ҳовлининг бир чеккасида жойлашган «устахона»сига киради-ю бўёғу чўткалар оламига шўмғийди. Уйланди. Тўйдан кейин ҳам аҳвол шу. Ҳилола янгам бир ҳафта индамади, бир ой индамади, борингки, бир болали бўлгунча ичига ютди, индамади. Индамади!!! Энди етар, бас, янгажонимнинг 42-томири ҳам бош кўтарди. Вой, до-оод! Ойдай юзли, оҳудай кўзли янгам шуми?! Кулгичлари бир маҳаллар маҳалламизни доғда қолдирган эди, энди Жаҳонгир акамни ёғда доғлаяпти. Нима эмиш, ҳатто ухласа ҳам тушига бўёқ ҳидлари кириб чиқармиш, бир марта санаса Жаҳонгир акамлар бир ойда 168 та (аслида 167 та эди, жуфт бўлсин деб ўзим қўшдим) сўз айтган эмиш. Уйларини фақат почталион амакигина тақиллатармиш, газета бергани. Кетди, кетганига ҳам ярим ой бўляпти, онагинасининг, бир ойда 1 миллиондан ортиқ сўз айтадиган онажонисининг ёнига кетди. Бўёқлар ярим йўлгача қувиб боришди-ю ногоҳонда дуч келган машина чангига аралашиб, секин асфальт йўлда қола бошлади.

Янгам яна кутди, бир ҳафта кутди, йўқ, икки ҳафта кутди, йўқ. Бир ой деганда ўзи қайтиб келди. Жаҳонгир акам унга бир қараб қўйди-ю ишини давом эттираверди. Янгажоннинг фиғони фалакка чиқиб, пружина сингари сочлари бигиз-дай-бигиздай бўлиб кетди. «Ҳап сеними, чизмапизманг билан қийма-қийма қиламан» дея тугалланмаган полотнога ёпишди... Йўқ, ёпишишга интилди, қаради-ю қотди. Унда улкан тоғлар, зилол сувлар, қуёш нурлари кўзни қамаштиради. Кузда ўрик гулига бало борми, яна суратга қандай тушиб қолди, дея четга суриб ташламоқчи бўлса, қўли намланди, жилмайди. Суратдаги каби гўзаллашиб кетди, суратдаги Жаҳонгир акасига, иккаласининг ўртасида момиқдай пўрсилдоқ ўғилчасига қаради-ю, биринчи марта кўзини севинч ёшлари қоплади.

Қачон менга овқат келтирарқин, Ҳилол, дея, соч-соқоли ўсиб кетса-да, кўзларидан бошқача учқун чақнаб турган акамга қаради-ю, яна жазавага тушди:

— Бу нима юриш? Одамларнинг эри ҳар куни соқол қиртишлайди. Боласини кўтаради. Ўғлингиз сизни дадамас, бува деб чақиради. Вой дод, онагинам мени кимларга узатди-я... Қандоқ кунларни раво кўрди-я.

Қолганини эшитмай қочиб кетдим. Мен қўрқаман, Сиз айтиб қўйинг. Одамларнинг эри илоҳий эмас, расм чизмайди. Сиз эса, эҳ, янгажон...

ЛОЛАМАН.

Ёшлар саҳифаси

ҲАВАС ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

РАЙОНДА туғилиб ўсганман. Қишлоқда қариндош-уруғларимиз кўп. Яқинда улардан бириникига йўлим тушди. Автобус манзилга етиб тўхтаганида вақт тушликка яқинлашган, кўчани тўлдириб мактаб ўқувчилари қайтишарди. Анчадан бери келмаганимдан бу ердаги ўзгаришлар, айниқса, кўклам фасли туфайли қулф уриб яшнаётган табиат кўринишидан завқланиб бораркanman, қизларнинг шарақлаган кулгиси эътиборимни тортди. Аввалига жамоат жойида, атрофдан катта-кичиклар ўтиб бораётган чоғда ўзларини бунчалик эркин тутишаётганликлари мени ҳайратга солди. Кейин балки, бирон жиддий-рок сабаб бўлса керак, деган ўйда ўзимга таскин бердим. Ҳалиги кулги энди қаттиқ-қаттиқ айтилаётган гап-сўзларга айланди.

Беихтиёр қизалоқлар оғзидан чиқаётган жумлаларни эшитдим. Англаб етсам, автобусда мен билан бирга келган, билимгоҳ талабаси эканлиги шундоқ билиниб турган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бўйчан қизни масхаралашаётган экан.

— Бай-бай-бай, нақд хўроз қанднинг ўзгинаси-я, — дерди улардан бири оғзини қийшайтириб.— Бигиз товон туфлиси билан ҳар қадам босганида йиқилиб тушмасайди, деган ҳавотирда юрагим ўйнаб кетяпти-я!

— Соч турмагини кўринг, — деди иккинчи қиз дугонасининг гапи оҳангида, — Чумчуқлар пайқаб қолишмасин ишқилиб. Уямиз шу нозаниннинг бошида экан, деб талашиб кетишади-я!

Қизиғи шундаки, ушбу киноялар, қочиримларнинг ҳаммаси қишлоққа мен сингари меҳмон бўлиб келаётган ҳалиги бечорага эшиттириб айтилар-ди. Ёшингиз ҳар қанча улуғ, ақлингиз тўлиқ бўлмасин, кўпчилик бир бўлиб ёпишдими, одам шошиб қолмай иложи йўқ. Мусофир талаба ўзидан тўрт-беш ёш кичик ўқувчилар «ҳужуми»дан қочиб кетишни ҳам, кинояларига яраша жавоб қайтаришни ҳам билмас, жажжи сумкачасидан рўмолча чиқариб оппоқ манглайини тез-тез артар, ерга тикилганича одимини жадаллаштиришга интилар, аксига олиб қадами чалкашиб кетарди. Ўзимни тутиб тура олмадим:

— Бу ишингиз яхши эмас, — дедим иложи борича осойишталик билан, — Ахир, у бечора сизларга меҳмон бўлса. Ҳурмат ўрнига...

— Вой, тағин биттаси бор экан, — қизларнинг етакчиси сўзимни тугатишга қўймади.

Шериклари ҳам унга қўшилишди. Мен ўзимдан анча ёш, лекин аҳлоқ-одоб доирасидан чиқишдан тортинмаётган қизалоқлар билан тенглашишни эп кўрмадим.

Ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида кейинчалик ҳам узоқ бош қотирдим. Ажабо, ёшларимиздаги бу хил ножўя қилиқлар қаёқдан пайдо бўляпти? Мактабда уларга устозлик қилаётган ҳурматли муаллимлар, айниқса, «Одобнома» дарси бераётганлар нимани ўқитишаяпти? Қизиқ, биз ўқувчилик йилларимизда маданий кийинган хотин-қизларни, талабаларни кўрганимизда ҳавас қилиб олдиларидан кета олмай қолардик. Наҳотки беш-олти йил ичида ёшлар шунчалиқ ўзгариб кетишган? Нега, нима учун?

Орадан фурсат ўтган бўлса-да, ана шу «шўх» сингилчаларимга шундай дейишни истардим: дилозор бўлманг, ота-боболаримиз ва момоларимизнинг ҳавас қилсанг етарсан муродга, деган қимматли ҳикматларини ҳеч қачон унутманг!

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА,
Наманган вилояти,
«Халқ Иродаси» газетасининг ходимаси.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН КУН

ГЎЗАЛ фавворанинг биллур томчилари қуёш нурларида жилоланади. Қамалакдай сулув ва чиройли қизалоқлар, миллий либослари ўзига қуйиб қўйгандай ярашган болалар маза қилиб ўз байрамлари — ҳалқаро болалар кунини нишонлашди.

Пойтахтнинг Алишер Навоий номли театри олдида йиғилган томошабинлар республика болалар бадиий ижодиёти маркази иштирокчиларининг ранг-баранг асарларини мириқиб томоша қилишди. Болалар қўли билан ясалган ўйинчоқлар, қўғирчоқ либослари, оёқ кийимлар сотувга чиқарилди.

Шунингдек, республика болалар бадиий ижодиёти марказида санъат сирларини ўрганаётган ёш мусаввирлар — Беҳзод Ҳожиметов, Нодир Нурмуҳамедов, Шодиёр Шодиев, Гўзал Турғунова чизган суратлар ҳаётийлиги билан шу кунги байрам конкурсида энг яхши деб баҳоланди.

Болаларга аталган бу ажойиб кун кичкинтойларнинг ёдларида узоқ сақланиб қолажагига шубҳа йўқ.

Норинисо ҚОСИМОВА,
«Ишонч» мухбири.



Дугоналар учрашганда...

ТАЛАБА ДАРСДА НЕГА ЗЕРИКАДИ?

(ДАРСДАГИ «ҲАНГОМАЛАР»)

Талаба чукур ўй-хаёл дарёсига ғарқ бўлганча «севимли» партасига келиб ўтиради. Ҳозирги дарсдан нимадир оламан деган умидда, эшикка кўз тика бошлайди. Ва ниҳоят талаба кутган дақиқалар келади, келади-ю уни норози бўлишига қарамай хаёл уйқусидан уйғотиб юборади. Ширингина хаёли бўлинган талаба энди ёниқ кўзларини домлага қаратади. Мана, дарснинг 20—30—35 дақиқаси ўтиб бормоқда, талабанинг кеча ўқиган ажойиб китоб таъсиридан-ми ёки беъмани сафсаталариданми, ҳар қалай, боши оғрилаша бошлайди. Китоб таъсиридан, дейиш нотўғри бўлар-у лекин...

Ана кимдир орқамдан туртаяпти. Мен қарамасданоқ тушуниб етдимки, ҳар кунги вазифа — почталионликни дўндириш вақти келибди. Хатни олдинга узатаман. «Оила ва жамият»нинг янги сонини ўқиб ўтирган курсдошим фикрини бўлганим учун кўзларини менга еб қўйгудай тикади.

Курсдошимга назар ташлайман. Зерикиш... кутиш... уйқусираш... Аудиторияда дарс эмас, кутиш соатлари ўтилаётгандек... Орқадан яна бири шивирлайди:

— Неча минут қолди?

— 20 минут.

Уф-ф. Дақиқалар ўтаяпти, 15 минут... Оҳ, беш минут... Шу вақт кимдир сабри чидамай бақирди.

— Домла, вақт бўлди.

Домла соатига бир қараб олиб:

— Ие, мени соатимда 5 минут борку, — деб қўяди.

Шошилиб савол сўрайди-да, тугатади. Ҳамма енгил нафас олиб, чуқур уф-ф тортиб олади. Савол сўрашади. Лекин, кошки эди қизиқтирган саволига жавоб ололса. Шуни билганлари учун ҳам савол-жавобга ҳожат йўқ, дейишади.

Ўзининг маъноли жавоблари билан лол қилиб қўйганида эди, талабалар хаёлдан кўра дарсларни афзал билган бўлардилар. Мен биламан, ҳар бир курсдошимнинг юрагида айтилмаган қанча-дан-қанча гап бор, кўп нарсаларни билишга қизиқиш, ўз-ўзидан туғилаётган саволларга жавоб топа олмаётганлари бор.

Кўп ҳолларда негадир факультетимизнинг ижодкорлигини ҳисобга олишмайди. Журналистлар ётоғини ҳамма тинч уйқуга кетганда ҳам бориб кўринг-а, камдан-кам талабанинг чироғи ўчган бўлади. Ҳозирги талабалик йилларида уларга шундай имкониятлар яратиб бериш керак.

Рейтинг системаси... Вақт сарфлаб эшитишга арзимайдиган дарслар шу қадар кўпки, кечаси билан ижод қилибми, китоб ўқибми ёки курс ишлари ёзибми чарчаган талаба эрталаб базўр кўзини очиб, ўша дарслар унга ҳеч нарса бермаслигини билса-да рейтинг системаси бўлгани, домланинг кўзига кўриниши учунгина боради.

...Талаба... Биз талабани оппоқ қилиб қўяётгандаймиз. Аслида, талабаларда ҳам ўқишга қизиқиш йўқ. Балки бунга юқоридаги сабаблар айбдордир. Лекин жудаям совуққон бўлиб кетмаслик керак. Умуман, бу борада жуда кўп фикрларни қоғозга туширса бўлади. Бу ёғи энди талабаларнинг ҳукмига ҳавола...

Ўктамой ҚИРҒИЗОВА,
ТошДУ, II-курс талабаси.

ШЕЪРИЯТ

Ёлғиз кезай қорли йўлларни
Майли ўтсин баҳорим сизсиз.
Ёмғирларни ёлғиз қаршилай
Кетинг майли дараксиз, изсиз.
Майли юрманг менла ёнма-ён
Қаҳқашонда тутманг қизил гул
Мен қўрқмайман фироқдан, ғамдан,
Айриликдан қул бўлмасин дил.
Кўнгил олманг ширин сўз билан
Кутманг, майли, йўлакда йўлим.

Бужр фикр қилманг, азизим,
Хиёнат-ул мен учун ўлим!
Кўзларимда туғаб қолди ёш,
Энди йиғламайман тунлари.
Ғам-армонлар етаклаб кетди
Ҳаётимнинг ўнлаб кунларин.
Энди юлдузларга эртак айтмайман...

Дилором БАКИРОВА,
Жиззах вилояти,
Ғаллаорол райони.

Акс садо

ҲАМОН БАҲСГА ЧОРЛАР ОТАБЕК, КУМУШ!

«Ишонч»нинг 1993 йил 13-сонидаги гулистонлик Дилфуза Қаршибоеванинг чоп этилган «Зайнабнисога мактуб»и диққатимни тортди ва баъзи бир мулоҳазаларига ўзимнинг қарашларимни баён этиш истагида бўлдим. Мақсадим ушбу мақола муаллифига адоват билдириш эмас, балки дилимда жўшиб турган фикримни айтишдан иборат!

«ЭЗГУ СЕВГИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ»

Албатта, бу мудҳиш фожиада бировни айблаш мушкул, тўғрироғи асардаги қаҳрамонларнинг ҳаёт гирдобида адашганликлари кўрсатилган.

Айбни бутунликча Зайнабга тўнкариш адолатдан эмас, албатта. Чунки у ҳам ҳақиқий севгига муносиб қиз. У ҳам машаққатли йўлда ўзи билганча курашди. Бироқ ҳамма гап шундаки, у қандоқ курашди? Ахир, ўзганинг севгиси, ўзганинг бахтини барбод қилиб, ўз бахтига эришиб бўлармиди? Зайнабнинг Кумушни заҳарлаши, Кумушнинг севгисини «тортиб олишдан» ўзга нарса эмас.

Зайнабнинг фожиаси ҳам шундаки, у севган инсон уни севмайди. Зеро севиш осон, бироқ севгига сазовор бўлмоқ эса анча мушкул.

Отабекни бағри тошликда айблаш нотўғри деб биламан. Чунки, «кўнгилга буюриб бўлмас», деган ҳақ гап борки, қандоқ қилиб Отабек ўзи севмаган «рафиқаси»га муҳаббат ҳиссиётини билдирсин?

Албатта, чеккадан туриб бировни айбга буркаш осон иш. Балки, хато мулоҳазалар юритаётгандирман. Лекин ҳар ким бу борада ўз фикрига эга бўлмоғи лозим. Шуниси аёнки, бундан бир хил фикр бўлмаслиги тайин!

Оқил ЛАТИПОВ,
СамДУ рус филологияси факультети, 5 курс талабаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва республика телевидениеси ҳамкорликда 10 майда уюштирган дам олиш мавзуидаги бевосита телемулоқотда вақтнинг чегараланганлиги туфайли барча саволларга жавоб беришнинг имкони бўлмади. Шуни ҳисобга олиб бир қатор саволларга «Ишонч» газетаси орқали жавоб беришни Ўзбекистон касаба уюшмалари курортларини бошқариш Республика кенгаши раиси Ҳалим МАҲМУДОВДАН илтимос қилдик.

Аллергия ва тери касалликлари билан оғриган беморлар учун Ўзбекистонда қандай санатрийлар бор?

Ш. ШАРИПОВА,
Тошкент шаҳри.

Бундай касалликларга чалинган беморларга «Ҳаватоғ» ва «Чортоқ» санаторийларига бориб даволаниш тавсия этилади. «Ҳаватоғ» Сирдарё вилоятини Хавос районида, «Чортоқ» эса Фарғона водийсида жойлашган. Бу жойлардаги маъдан сувлар дарддан тезда фориғ бўлиб кетишингизга ёрдам беради.

Кўкрак-нафас йўллари касалланган беморлар қаерда даволанишлари мумкин?

М. ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳри.

«Зомин, «Оқтош» ва «Мироқи» санаторийлари яқинда ишга туширилган нафас йўллари касалланган беморларни даволашда яхши самара бераяпти. Бу жойларда даволаниш билан бирга ҳордиқ чиқариш учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Буйрактош касалликларини даволовчи санаторийлар Ўзбекистонда борми?

Р. ЯРАШЕВА,
Қашқадарё вилояти.

Бор. Бундай дардга чалинганлар «Чимён» ва Фарғона вилояти «Искра» давлат хўжалигида жойлашган «Ўзбекистон» санаторийларида даволанишлари мумкин. Айниқса, «Чимён» санаторийсида чиқаётган радон суви бу дардга даво.

Одатда буйракда йиғилган тошларнинг хажми ва таркиби ҳар хил бўлади. Масалан, Трусковецкдаги нафтузия, Железноводскдаги Смирнов каби маъдан сувлари ҳар қандай тошларни эритиш қудратига эга. Шунда ҳам санаторийларга боришдан аввал шифокорлар билан бир маслаҳатлашиб олиш керак. Улар тавсияси билан мавжуд санаторийлардан бирига бориш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги саволларга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори Т. Саъдуллаев жавоб беради.

Мен Шаропов Сирожиддин Бухоро вилояти Ғиждувон райони пахтани қайта ишлаш заводида 1958 йилдан буён ҳалол ишлаб келмоқдаман. 1969 йил 10 октябрдан бери заводнинг пахта қуритиш цехида гўлоҳлик вазифасида ишлайман.

Қуритиш мосламаларимиз табиий газ билан ишлайди. Ҳозирги кунда 58 ёшдаман. Мен юқоридаги ишимда ишлаганим учун 60 ёшга тўлмасдан нафақага чиқишга ҳақлиманми?

Амалдаги қонунга мувофиқ махсус рўйхатларда кўзда тутилган зарарли ва оғир ишлар, касбларда ишлаган шахслар учун нафақага 1-Рўйхатда кўрсатилган ишларда ишловчилар учун 10 йил аввал, 2-Рўйхатда кўзда тутилган ишларда ишловчилар 5 йил аввал қарилик нафақасига чиқишлари мумкин.

Лекин бу рўйхатда газ билан ишлайдиган ускуналарнинг оператор-гўлоҳлари назарда тутилмаган, демак, сиз 60 ёшдан нафакага чиқишингиз мумкин.

1. Шахсий асаларичилик билан шуғулланаман. Ўз маҳсулотимни Қарши, Навоий, Тошкент шаҳарларига олиб бориб сотишим қандай кафолатланган? Йўлдаги божхона ҳамда ДАН ходимларига қаердан олган, қандай хужжатларни кўрсатишим керак?

2. Бошқармамиз Чорбоғ посёлкасида жойлашган. Бир ўзим Шаҳрисабздаги бўлимда ишлардим. 1993 йил 1 январдан бўлим тугатилди. Лекин мен 1992 йилги ойлигимни ололганим йўқ. Чунки бизнинг ташкилот смета шартномасига 1992 йилда Ғазалкент шаҳридаги бошқарма ҳисобига ўтказган.

Ташкилотимиз «ҳисобимизга пул келиб тушгани йўқ», деб банк муҳри босилган «поручения»га ҳам ишонмасдан йиллик пулимни бермаяпти.

Пулнинг ҳар ойда қадрсизланиши ҳаммага маълум. Қиймати икки баробар тушиб қолган пулимни қай тариқа ва кимга мурожаат қилиб олишим мумкин?

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонунга (7, 8, 37, 38 ва бошқа моддалар) мувофиқ меҳнатингиз билан етиштирилган маҳсулотни ўзингиз истаганингизча тасарруф қилиш ҳуқуқига эгасиз. Буни амалга оширишингиз учун яшаб турган жойдан берилган маълумотнома етарли саналади. Ушбу ҳужжат кўрсатилгач ДАН ҳам, божхона ходимлари ҳам сизга тўсқинлик қилмасликлари лозим.

Иккинчи саволингизга келсак, сиз ишлаётган корхона сизнинг ҳуқуқларингизнинг қўпол бузилишига йўл қўйишган. Чунки қонунда иш ҳақи бир ойда икки марта тўланиши лозимлиги айтилган. Сиз ўзингиз яшаб турган ёки жавобгар ташкилот жойлашган ҳудуддаги халқ судига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин. Суд ҳақингизни барча зарарлари билан ундириб беради. Меҳнат низолари бўйича ишчи ва хизматчилар суд харажатларидан озод этиладилар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорларини ошириш ҳақида»ги Фармони муносабати билан мухбиримизга фуқаролардан олинадиган даромад солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат Солиқ бошқармасидан қуйидагиларни маълум қилдилар.

1. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 7500 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг қуйи миқдори ойига 7500 сўм этиб тайинланди.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг «техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 2,5 баравар кўпайтирилди. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетлари тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги Қонун» асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат Солиқ бошқармасининг 1993 йил 1 февраль № 10—2/228 хати еттинчи жумла боши қуйидагича ўқилади.

Солиқ олинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегириб ташланган) сўмда.	Солиқ миқдори
270 000 гача	14 фоиз
270 001 дан 360 000 гача	37800 сўм + 270000 сўмдан ортган қийматнинг 16 фоизи
360 001 дан 450 000 гача	52200 сўм + 360000 сўмдан ортган қийматнинг 20 фоизи
450 001 дан 675 000 гача	70200 сўм + 460000 сўмдан ортган қийматнинг 30 фоизи
675 001 дан 900 000 гача	137700 сўм + 675000 сўмдан ортган қийматнинг 40 фоизи.
900 001 ва ундан ортиқ пулдан	227700 сўм + 900000 сўмдан ортиқ қийматнинг 50 фоизи

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқ солинмайдиган даромаднинг минимум қийматини белгилаш ҳақидаги Фармони»га асосан солиқ солинмайдиган даромадни аниқлашда январ, феврал, март, апрель, май ойлари учун 13500 сўм (2500×3+300×2); ва 1 июндан 7500 сўм этиб белгиланди.

Норма асосида бериладиган маҳсулотлари қайсилар?

Номлари билан ёзсангиз.

Ўша маҳсулотлар қайси баҳода берилишини ҳам билишни истаймиз

Зулфия СУЛТОНОВА,
Хоразм вилояти, Шовот райони.

Ушбу саволга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси Й. Турсунов жавоб беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ юз бераётган қийинчилик ва узилишлар оқибатида энг зарур маҳсулотларни махсус тартибда тақсимлашга мажбур бўлинмоқда. Ўйлаймизки, бу қийинчиликлар ўтиб кетади.

Махсус тарзда тақсимланадиган маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида белгилаб қўйилган.

Белгиланган миқдорлар асосида тақсимланадиган маҳсулотлар меёрлари ҳар бир савдо корхонасида ҳамма кўрадиган жойга илиб қўйилади. Бу ҳақдаги маълумотларни ҳар бир дўкондан билиб олишингиз мумкин.

● Саҳифани котибият тайёрлади.

ИЮНЬ

7 ДУШАНБА

ЎзТВ I

18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Совға». 18.40 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низомиддинова». Видеофильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонлар. 19.55 Мутахассис маслаҳати. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 Концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». 22.00 Санъат усталари ижросида концерт. 22.30 «Яна учрашамиз». 22.40 «Ғариблар». Спектакль.

ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.30 «Бизнинг суҳбат». 20.50 «Билиб қўйган яхши». 21.55 «Судланувчи». Бадиий фильм. 21.10 «Ҳамшаҳарлар».

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.0 Янгиликлар. 8.20 «Капитан Врунгелнинг саргузаштларини... «тингланг, томоша қилинг». 8.40 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 19 ва 20-серия лар. 9.40 «Нима? қаерда? Қачон?» 10.40 Шеърият альбоми. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Гол».

* * *

14.00 Янгиликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм. 16.05 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 1-кўрсатув. 16.20 «Иқболи кулганда». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Технодром». 17.35 «Палитра». 18.10 «Гол». 18.40 «Ҳафтанинг акс-садоси». 19.10 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 19-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 20-серия. 20.55 «Спорт уик-энди. 21.10 «Матбуот-клуб». 23.35 «Монтаж». 23.55 «Ассалому алайкум!» Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

*

00.15 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. 01.15 Футбол. Украина чемпионати. «Днепр» (Днепропетровск) — «Динамо» (Киев). 2-тайм.

«ДУБЛЬ I»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонгги концерт. 8.10 «Мутлақо махфий». 9.05 «Бола тилидан». 9.35 «Юлдузлар ёғилганда». 10.35 Хонаки экран. «Номинг ўчсин уруш». Бадиий фильм «Фредерик Форсайт таништиради» телесериалидан (Овросиё ТВ). 12.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 12.30 «Американинг ёввойи табиати». Кўп серияли телефильм премьераси. 13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.25 Кундузги сеанс. «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм. 14.55 Концерт. 15.25 Янгиликлар. 15.40 «Трансросэфир». 16.25 «Сайёрадош қўшнилар».

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Криминал хабарлар экрани. 19.15 «Москвадан гапирамиз». 20.00 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Ғолиб». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан (АҚШ). 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Хоккей. Стэнли кубоги.

8 СЕШАНБА

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Узоқ йўлдаги учрашув». Телефильм. 8.00 Болалар учун фильм. «Чипполино». 9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.50 «Орол куйлари». Фильм-концерт. 10.10 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари». Ёш оилаларга маслаҳатлар. 10.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 18.40 «Конимехлик чўпон». Телефильм. 18.55 «Истиқлолим — истиқболим». Жиззах вилоятидан кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 «Тановар» миллий рақс ансамблининг янги дастури. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Узбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 «Ижод саҳифалари». Тошпўлат Аҳмад. 22.25 «Санников ери». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Тунги эрмитаж». Телефильм. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Мусиқий меҳмонхона». 20.30 «Кибернетика ва ҳуқуқ». 21.00 «Мени шундайлигимча эслаб қолинг...». 22.00 Эълонлар. 22.05 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Мультфильм. 8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 21-серия. 9.50 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия. 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгиликлар.
11.20 «Капитан Немо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.35 «Картина». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

14.00 Янгиликлар. 14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси». 14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 15.10 «Ён дафтар». 15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм. 16.05 Эстрада концерти. 16.15 «Узбекистон — қадрдон юртим. Руслар». 17.00 Янгиликлар. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунё томонлари» кўрсатувини таништиради. 17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.40 Москва кинофестивали олдидан. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 21-серия. 20.55 «Беларусь дўстларни кутиб олмоқда». Минскдан кўрсатилади. 22.15 «Матбуот-экспресс». 22.30 «Бир боқишда муҳаббат». 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Джаз калейдоскопи». 00.20 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мусиқа йирик планда. 8.40 «Улиш қўрқинчли эмас». Бадиий фильм. 10.20 «Параллеллар». 10.35 «Одамлар олдида юзимизни ёруғ қил». 11.00 Хонаки экран. «Лев Толстой». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар. 13.40 «Деҳқоонларга тааллуқли масала». 14.05 «Телебиржа». 14.35 Янгиликлар. 14.50 «Рост» студияси. «Қуёшли диск». 1-қисм. 15.20 Ота-оналар учун эртаклар. «Қалбдан қалбга». 15.50 «Трансросэфир». 16.35 Александр Дольский куйлайди.

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Миллий сиёсат хроникаси. »Шимолий Кавказ сабоқлари». 19.40 «Телематн». 19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 176-серия. 20.35 «Динозаврга айланмайлик». 20.50 Спорт кўрсатуви. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Асил ҳолича». 22.20 «Каунтдаун».

9 ЧОРШАНБА

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «У «Гиря»ни севарди». Телефильм. 8.00 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 «Ёшлик студияси». «Фарғона илҳомлари». 10.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 «Ёшлик» студияси. 18.50 «Мусаввир». Телефильм. 19.05 «Ёз неъматлари — эл дастурхонига». Тошкент вилояти Зангиота туманидан кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонлар. 19.55 Республика газеталарининг шарҳи. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 Концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Марду майдон». 22.30 Бадиий фильм.

ЎзТВ II

18.30 «Кичик саёҳат». 19.05 «Спринт». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Тошкент: шаҳар юмушлари». 20.50 «Қизиқарли учрашувлар». 21.40 «02» тўлқинида. 22.00 «Еввойи». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Қувноқ нотачалар». 8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.20 «Савдо кўприги». 9.50 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия. 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 «Капитан Немо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.25 «Картина». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.50 Мультфильм.

*

14.00 Янгиликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ён дафтар». 15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм. 15.40 «Хит-мастер 50×50». 16.30 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси (АҚШ). 17.00 Янгиликлар. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Таниш нотанишлар» кўрсатувини таништиради. 18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.45 «Миниатюра». 19.00 «Қизил квадрат». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Меценат». Бадиий-публицистик кўрсатув. 21.10 «Мулкдор алифбоси». 21.25 «Матбуот-экспресс». 21.40 «Майкл Жексон ҳикоя қилади...» 23.00 Янгиликлар. 23.40 «L — клуб». 00.25 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.05 «Сигнал». 15.20 Янгиликлар. 15.35 «Рост» студияси. «Қуёшли диск». 2-қисм. 16.05 «Ретро-шлягер». 16.35 «Икки киши учун қўшиқ».

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 177-серия. 20.15 «Келинг, аниқлаб олайлик». 20.30 «Ксюша ҳузурида». 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал. 23.50 Криминал хабарлар экрани.

10 ПАЙШАНБА

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт. 7.55 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия. 9.05 Араб тили. 9.35 «Кичкинтой» студияси. «Табиат алифбоси». 10.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.20 «Ёшлик» студияси. «Орзулари ойдин».

* * *

18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари». 18.40 «Назорат ойнаси». Фарғона вилоятида электр қувватидан фойдаланиш. 19.15 «Танлов». Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 «Қўшиқ рақсга уланса» Едгора Нурматова ва Муҳиддин Мамадалиев. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 «Мулоҳаза». Спектаклда мусиқа ва қўшиқнинг ўрни. 22.20 «Жиноят жазосиз қолмайди». Қашқадарё вилоятида ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг меҳнаткашлар билан учрашуви.

ЎзТВ II

18.30 «Табассум». 19.00 Болалар учун фильм. «Мишка-сеҳргар». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Кинолавха. 20.00 Халқаро симпозиумдан лавҳалар. 20.30 «Тошкент оқшомлари». 21.40 Матбуот саҳифаларида. 21.50 Эълонлар. 21.55 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.10 «Ҳайвонот оламида». 9.50 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 6-серия. 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 «Капитан Немо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.25 «Картина». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 13.45 Мультфильм.

*

14.00 Янгиликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ён дафтар». 15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм. 15.40 «Қизлар орасидаги сир». 16.10 «Янги номлар». 16.50 «Технодром». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 Останкино концерт студиясида ёзувчи Вячеслав Иванов билан учрашув. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Кремль деворлари ортида». 21.05 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Орзу-умидлар даври». Бадиий фильм (1984 й.). 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Катта сайр». 00.20 «Матбуот-экспресс». 00.30 «Пацифида одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 6-серия.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мульти-пульти. 8.15 «Нота бене» студияси. 9.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 9.55 «Бурда моден» тавсия этади... 10.25 «Йўлдаги суҳбат». В. Лакшин. 11.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм 177-серия. 12.00 «Параллеллар». 12.15 Джаз куйларидан концерт. 12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.10 Кундузги сеанс. «Гаровга олинган». Бадиий фильм. 14.35 «Ҳали англанмаган коинот». 15.05 Александр Дольский куйлайди. 15.30 Янгиликлар. 15.45 Мульти-пульти. 16.15 «М-трест». 16.30 «Винил чангалзорлари».

17.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Спорт кўрсатуви. 19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 178-серия. 20.45 Катталар учун мультфильм. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Хроно. Авто ва мотоспорт оламида». 22.00 «К-2» таништиради. «Бизникиларни билиб қўй». 23.00 «Нота бене» студияси. 23.55 Баскетбол шарҳи.

11 ЖУМА

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм. 8.00 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия. 9.05 «Аския». Телефильм. 9.50 «Ёшлик» студияси. «Сиз бу йўлда адашманг...» 10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

18.00 Бугунги хабарлар. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Ишонч». Қашқадарё вилояти ёшлари ҳаётидан. 18.55 «Чорвадор». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 Абдужаббор Латипов куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Мустақиллик ва қонунчиликни ривожлантириш». 22.15 Концерт. 22.55 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент)— «Нефтчи» (Фарғона). 2-тайм (Ёзиб олинган).

ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Болалар учун фильм. «Офтобдек ёруғ шам». 9.30 «Саёҳатчилар клуби». 10.20 «Америка М. Таратута билан». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари:
Сизлар учун!
11.20 Р. Нэш. «Ёмғир сотувчиси. Фильм-спектакль.

*

13.50 Мультфильм. 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм. 15.35 «Мусиқий прогноз». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-серия. 16.05 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 2-кўрсатув. 16.20 «Рок-сабоқ». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Биз қайси қонунга биноан яшашимиз керак?» кўрсатувини таништиради. 17.45 «Инсон ва қонун». 18.15 «Америка М. Таратута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.40 «Детективлар клуби»да. «Жозибали манекенлар». Телевизион бадиий фильм премьераси («Линда» телесериали), Венгрия телевидениеси, «Теле-пи-арт» студияси). 21.30 «Матбуот-экспресс».
«ВИД» таништиради:
21.45 «Сиёсий бюро». 22.20 «Музобоз». 23.35 «Авто-шоу». 23.50 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Танаффус». Владимир Виардо чалади (фортепиано). 8.20 «Мўмин-қобил йўлбошчилар». 8.50 «Тилла шпора». 9.20 Мульти-пульти. 9.35 «Оқ қарға». 10.20 Джаз куйларидан концерт. 10.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 178-серия. 11.40 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 11.55 Россия қобусномаси. «А. С. Пушкин ва рус маданияти тақдири». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.05 «Ижица». 13.35 «Телематн». 13.40 «Телебиржа». 14.10 Янгиликлар. 14.25 «Рост» студияси. «Биз мусиқани кўра оламиз». 14.55 Мульти-пульти. 15.15 Жума кунлари Дисней. «Паришонхотир профессор». Бадиий фильм. 1-серия. 16.10 «Олтин Остап» Москвада.

17.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 «Ҳар бир кун байрам». 19.20 Телеэкранда — премьера. «Яна бир сир». Бадиий фильм. «Фредерик Форсайт таништиради» телесериалидан (Овросиё ТВ). 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал. 23.40 «Сариқ сувости қемаси» клуби.

12 ШАНБА

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм. 9.05 «Алифбо сабоқлари». 9.35 Концерт. 10.05 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари». 10.35 «Аёл ҳақида сўз». 11.15 «Шеърият дафтаридан». Алижон Ниёзов, Холмуҳаммад Хасанов. 11.30 «Қишлоқ стадионларида». 11.50 «Ёшлик» студияси.

* * *

18.00 «Санъат ғунчалари». 18.30 «Цирк! Цирк! Цирк!» 19.20 Телефильм. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.25 Концерт. 21.00 «Туркистон» ахбороти. 21.30 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм. 22.55 Республика газеталарининг шарҳи. 23.05 Юлдуз Абдуллаева куйлайди. 23.55 «Тунги ёғду». Дам олиш программаси.

ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.50 Россиянинг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қабул қилинган кун. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 «Олтин сочмалари». 7.45 «Марафон-15» таништиради... 8.10 Шанба кунги дастхат. 8.40 «Резонанс» студияси таништиради. 9.10 «Мусиқий дўкон». 9.40 «Исмингиз нимани англатади?» 10.50 Сергей Есенин ижоди ҳақида кўрсатув. 11.35 Ўтмиш. «Василий Буслаев». Бадиий фильм. 13.05 С. Рахманинов мусиқасига бағишланган фильм премьераси. 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 14.50 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. 15.30 «Янгра, гармонь!» 16.15 «Қизил квадрат». 16.55 «Қойилмақом етовлон». 18.00 «Содиқ дўстлар». Бадиий фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ток-шоу: янги Россия». 21.15 «Матбуот-экспресс». 21.25 Россия Марказий концерт залида байрам концерти. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.50 «Парламент соати». 8.50 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш». 9.20 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 10.05 Славян ёзуви ва маданияти байрами. 10.50 «Қишлоқдаги джентльменлар». 11.30 «Киж узра қўшиқлар». 12.15 Кундузги сеанс. «Душанбагача омон бўлсак». Бадиий фильм.

13.55—17.20
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 «Таврия сараойида зиёфат». 18.30 «Ҳар бир кун байрам». 18.40 «Одимлар». 19.25 Телеэкранда — премьера. «Степан Гусляковнинг ҳарами». Бадиий фильм.

21.00—23.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.25 Тунги сеанс. «Шақол»ни ўлдириш». Бадиий фильм. 00.45 Спорт кўрсатуви.

13 ЯКШАНБА

ЎзТВ I

7.00 «Мўъжизакор гўзаллик сирлари». Телефильм. 7.25 Лирик концерт. 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. (Ҳиндистон). 19—20-серия лар. 10.00 «Болалар». 10.40 Инглиз тили. 11.10 «Халқ ижодиёти». «Алла». Республика танлови ғолибларининг концерти. 12.40 «Ватанпарвар».

* * *

18.00 Мультфильм. 18.10 «Машраб». «Ўзкинохроника» премьераси. 18.30 «Ўйла! Изла! Топ!» 19.30 «Ҳафтанома». 20.00 «Ойнаи жаҳонда...». 20.15 «Якшанба оқшомида». 21.00 «Ҳафтанома». 21.40 «Шунчаки ҳазил...» 22.40 «Армон». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

7.00—12.00

* * *

17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 «Руҳни чиниқтириш». 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Авто-шоу». 7.45 «Технодром». 8.00 «Марказ». 8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 «Ҳамма уйдалигида». 9.30 «Спортлото» тиражи. 9.45 Жаҳон халқлари ижоди. 10.15 «Ҳарбий ревю». 10.45 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 11.15 «Пи белгиси билан». 12.05 «Мулкдор алифбоси». 12.20 «Янги авлод тайнлайди». «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: 13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Ҳунарли хор бўлмайди». 14.25 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари». «Ҳақиқий ажина овловчилар». 15.15 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет. 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.40 Янгиликлар. 17.55 «Лўлилар қўшиғи билан тўғилган». Виктор Светлов монологи. 18.35 «Нима? Қаерда? Қачон?» 19.35 «Аншлаг! Аншлаг!» 20.55 Эълонлар. 21.00 «Якунлар». 21.50 Футбол. Россия кубоги. «Торпедо» (Москва)— МАСК. Финал. В. И. Ленин номидаги Марказий стадиондан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 23.30 «Тонг юлдузи». тунги эфирда. 00.10 «Парадиз-коктейль».

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Рост» студияси. «Азамат йигитлар». 7.55 «Қарама-қаршиликлар». 8.35 «Гап-гаштакларни қўмсаб». 9.05 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.

10.05—14.10
«УЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

14.10 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Энг охирги рус аёл императори». 14.55 «Ҳайвонот оламида». 15.55 «Бола тилидан». 16.30 «Маски-шоу». 17.25 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари». «Қора плашч».

18.15—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 Эй-Би-Си якшанба оқшоми. «Пойга». Бадиий фильм. 23.10 «А» программаси.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

АТТОРНИНГ ҚУТИСИ

АЛИЖОН якинда ишхонасига кириб, қоғозлар уюмига шўнғимоқчи эди, соқоллари ўсиб кетган, ўрта ёшлардаги бадковоқ одам кириб келди-да:

— Қашабашоюж дегани шутми?— деди оғзидаги носини туфлашга шайланиб. Жавоб ҳам кутмай шапалоқдай қилиб саватга тупурди-да, осилиб қолган сўлагини енгига артди. Бошидаги рангитуси ўчган думалоқ дўпписини тузатган бўлди-да, саволини қайтарди:

— Қасаба союз шуми?

— Ҳа, шу!

— Йўғ-е, худога шукр бобомерос кулбамизу, супрадеккина огоротимиз бор. Ўшанга қарашгаям вакт йўқ.

— Моддий ёрдам керакдир балки?

— Уям эмас. Моддий томонни айтдим бор деб. Ҳа, энди жа-а эриб кетсангиз байрам-пайрамда бирон яшик оқиданми, қизилиданми берсаларинг олиб қўёвраміз сазаларинг ўлмасин деб.

— Уф...ф, ҳой инсон, балки путёвка керакдир? Мана, марҳамат Москов томонларга, Кисловодск, Ялта, Сочи...

— Э-э, қўйинг-е.

— Қаранг-а, одамлар союз йўқ бўлиб кетди деб юришибди. Мана, иягимизди тагида союз боракану.

— Акахон, хўш, нима хизматлари бор?

— Энди... ука,— деди яна яғир дўпписини қўлига олиб энди кўраётгандек томоша қилар экан.— Биз оми одамлармиз. Биздақаларга асли ҳеч нарсани кераги йўқ. Шу эрталабга юз, тушликка икки юз, кечаси икки юз эллик, ошиб кетса яна боринг яримта бўлса бўлди, биз учун байрам. Аммо-лекин...

— Ҳов ака, айтинг, нима керак ўзи? Уйми, томорками?..

— Вой, худо,— деди бўғилиб Алижон.— Унда ҳеч ерда, аникроғи бизда ишламасангиз нимага бир соатдан бери мазгимни культивация киляпсиз бу ерда?

— Вей, бунча бақирасан ука, арпангди хом ўрдимми ё?— деди «меҳмон» ҳам сал кўтарилиб.— Ўртоғим Марайим сеникидан катта идорада райкумди ўзида кирк йилдан буён истарши коровул вазипасида ишлайди, билсанг. Ўша айтдики, касаба союз деган жойга борсанг истаган нарсангди топиб беради. Агар ғинг-пинг килса ўзим тилпон кип қўяман, деди. Шунчун келдимда. Нимага бошқаларга топган нарсалардан бизга топмайсан. Ё бирон жойим камми улардан!? Кўр, мана, худо берган экки қўл-оёғим, кўзқулоқларим, эк... йўғе битта оғизу 32 та, ҳа, айтганча, 22 та тишим бор. Ҳозир бошқаларниям кўрсатайми.

Алижон сапчиб ўрнидан турди-да:

— Бўлди, бўлди, ишондим ака,— деди паст тушиб.— Қани айтинг, ака, нима керак ўзи? Уялманг, тортинманг. Иккимиздан бошқа ҳеч ким йўғу.

— Шу-у билсанг, ука... Оббо уяларкан одам,— дея беўхшов тиржайди «меҳмон».

— Ҳа, айтинг, қулоғим, бор вужудим сизда.

— Ҳалиги билсанг, э кечирасиз, билсангиз шу йўқолиб кетган союз қилолмаган ишни сизни союзингиз қилворса жаҳонга жар солардим-да ўзиям.

— Хўш, жар солиш қочмас. Нима қилай?— деди Алижон сўкиниб юборишдан зўрға тийилиб.

— Шу битта зў-ўр хотин топиб берсангиз. Тўй бошиликка ўзларини тайинлардим.

Алижон на кулишини, на бирон нарса дейишни билмас, анграйиб турди-да, кейин бошини чангаллади.

— Ҳа, учар ликоп кўргандай анграйиб қолдинг,— деди яна сенлашга ўтиб «меҳмон»,— Аризани ёзоврайми? И-ие, буни боши оғриб қолди шекилли, ё кимни айтсам экан, деб, ўйлаяптимикин? Тунов куни биттасиям шунака бўп колувди. Ҳа, энди хотин масаласи қийинда, нима қилсаям. Бу ўйлаб олгунча мирикиб ёзилиб, прикўр қилиб келай,— деди-да, оғзига нос ташлаб, чиқиб кетди.

Алижон чукур ух тортди, ўрнидан туриб, деразани очиб юборган эди, хонага тоза ҳаво кирди.

Муҳиддин МАДАМИНОВ,
Боғдод райони савдо ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Хандалар

Спектакль тугаши билан режиссёр Жамила ролининг ижрочисини табриклай бошлади:

— Жуда чиройли, ишонарли ўлдингиз, ижройингиздан бутун зал ҳаяжонланиб кетди.

— Сув беринг, Хонзода адашиб заҳар атир шишасини бериб кетганга ўхшайди. Билмай ичиб юборибман, ичим ёняпти. Ростдан ўлиб қолмасам бўлгани.

* * *

— Қизик,— дея ўйланиб у ёкдан бу ёкка юра бошлади милиционер ўғри тушган хонадонни кўздан кечирар экан.— Тилла узук, сирға, шуба, маржон... Негадир ўғри фақат аёлларнинг нарсасини олган, холос.

Хона ўртасида турган эр милиционерга деди:

— Ахир, мен биттагина костюмимни меҳмондорчиликка кийиб кетгандим-да.

Йигит қизга деди:

— Жонгинам, сизсиз ҳаёт менга коронғу. Агар турмушга чиқсангиз осмондаги юлдузни олиб бер, десангиз, олиб бераман.

— Юлдузнинг ҳеч ҳожати йўқ,— деди қиз,— Маошингизнинг бир тийинини нари-бери қилмай олиб келиб турсангиз, керакли нарсани ўзим сотиб олавераман.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Бир йигит якин дўстидан қизиксиниб сўради:

— Сени одамлар хотини билан ажралишаяпти, дейишади, ростданам ажралишаяпсанми?

Дўсти қўл силтаб жавоб килди:

Тўғри, ажралишаяпмиз. Эру хотин иккаламиз муроса қилишиб, умримизда биринчи марта ана шундай қатъий битимга келдик.

Турсунбой МАҲМУДОВ,
Фарғона вилояти.

«Ишонч» таҳририяти хабар қилади:

Муассаса, корхона ва ташкилотлар диққатига

«Ишонч» газетасини нашр қилиш ва сотиш харажатлари ошиб кетганлиги муносабати билан муассаса, корхона ва ташкилотларнинг 1993 йилги «Ишонч» учун расмийлаштирилган обунасини **1 июлдан тўхтатишга мажбур бўлинди.**

Муассаса, корхона ва ташкилотлар учун 1993 йилнинг иккинчи ярмига обуна бошланди. Унинг баҳоси 678 сўм қилиб белгиланди.

ОБУНАНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАНГ. ОБУНА НАШР КЎРСАТКИЧИ — 64561.

Якка тартибда обуна бўлган шахслар диққатига

Газета харажатлари қанчалар ошмасин «Ишонч» таҳририяти ўтган йил берган ваъдасига бу йил ҳам вафо қилиб, 1993 йил обунасини йил охиригача тўхтатмасликка қарор қилди. **Ҳозиргача обуна расмийлаштирган барча «Ишонч»чилар йил охиригача газеталарини оладилар.**

Янгидан обуна бўладиган ўртоқларга эса эслатиб қўймоқчимиз. **Энди «Ишонч» обунаси ярим йилга 522 сўм қилиб белгиланди. ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ. ОБУНА НАШР КЎРСАТКИЧИ — 64560.**

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.
● Офсет усулида босилди.
Формати А-3 ҳажми 4 босма табоқ.
● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
● Буюртма Г-193 1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманнап АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА,

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● **ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:**
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда —2-39-54;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда —35-63-64;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда —56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририят га келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтаридмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● **ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:**
Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.

● Сотувдаги нархи 15 сўм.
● ШАНБА кунлари чиқади.
● БОСИШГА 4 июнда топширилди.
● Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Тожибой АЛИМОВ
● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
● 85.840 нусхада босилди.
● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.